



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 5 ноябрь, № 227 (9122)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЛОБАЛ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг таклифига биноан 3-4 ноябрь кунлари Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 4 ноябрь куни Доҳа шаҳрида ўтаётган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида иштирок этди.

Анжуман ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний, БМТ Бош Ассамблеяси

Раиси Анналена Бербок, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши раиси Лок Баходир Тхапа, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар вакиллари ҳам қатнашди.

Президентимиз сўзининг аввалида форумга юсак даражада тайёргарлик кўрилгани учун ташкилотчи-

ларга миннатдорлик билдириб, глобал ижтимоий тараққиёт учун муҳим майдон бўлган саммит айнан Доҳа шаҳрида ўтказилаётгани катта рамзий маънога эга эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда Қатар ижтимоий инклюзивлик ва жадал тараққиёт марказига айланиб бораётганини таъкидлаб, ушбу

мамлакат халқини эришилган муваффақиятлар билан самимий табриклади.

Президентимиз бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти ва миллий ҳукуматлар ижтимоий фаровонлики таъминлаш ҳамда аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлида биргаликда ҳаракат қилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон, ўз навбатида, барқарор тараққиётга эришишга қаратилган халқаро ҳамкорлиқнинг барча форматлари ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди.

Кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган тамойил устувор бўлган, ижтимоий адолат таъминланган, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари самарали ҳимоя қилинган ижтимоий давлат барпо этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Охирги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик. Биз бу йўлдаги ислохотларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари глобал ижтимоий адолат ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган қатор таклиф ва ташаббусларни илгари сурди.

Камбағалликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлиқни янги босқичга олиб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

— Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий дастурларига ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида камбағалликка қарши курашишнинг янги молиявий архитектурасини яратиш

вакти келди деб ҳисоблаймиз, — деди Президентимиз.

Шу муносабат билан камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий тенгсизликни камайтиришга амалий кўмак берадиган Глобал ижтимоий адолат фондини таъсис этиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари бандлик масалаларини самарали ҳал қилиш учун замонавий механизмларни жорий этиш муҳимлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, юқори технологиялар ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши дунё бўйлаб миллионлаб иш ўринларининг қисқаришига олиб келмоқда. Бундай шароитда ходимларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий шериклик тамойилларини мустаҳкамлаш учун давлат, бизнес ва жамиятнинг фаол ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Президентимиз “Ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббус”ни ишлаб чиқиш таклифи қўллаб-қувватланишига умид билдирди.

Барча учун таълим имкониятларини кенгайтириш ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали йўлларида бири экани таъкидланди.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, саводсизликнинг йиллик иқтисодий зарари 1,4 триллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бу Президентимиз таъкидлаганидек, ёшларнинг жамиятда ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишини қийинлаштириш, ижтимоий тенгсизликни эса кучайтиради.

Давлатимиз раҳбари куни кеча бўлиб ўтган Очлик ва қашшоқликка қарши курашиш бўйича глобал альянснинг биринчи йиғилишида қабул қилинган қарорларни Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Альянснинг бўлажак саммитларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш ва таълим масалаларини кун тартибининг асосий мавзуси этиб белгилаш таклиф қилинди.

Меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини тизимли ҳимоя қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилоти билан биргаликда Тошкент шаҳрида мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ўтказишга ҳамда бу борада Глобал дастур қабул қилишга тайёр.

Президентимиз иқлим ўзгаришининг ижтимоий ҳаётга таъсири тобора кучайиб бораётганини таъкидлади. Экстремал об-ҳаво ҳодисалари, чўлланиш ва биологик хилмаҳилликнинг йўқолиши, аввало, аҳолининг заиф қатламлари — фермерлар, мавсумий ишчилар, экологик вазияти мураккаб бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи одамлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ БЎЙИЧА ИККИНЧИ БУТУНЖАҲОН САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Раис Хоним Олиялари! Ҳурматли Бош котиб Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Қадрли биродарим, Қатар Амири Шайх Тамим Ол Соний Аъло Ҳазратларига Бутунжаҳон саммитини юсак даражада ташкил этаётганлари ва самимий меҳмондўстлик учун чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Жаноби Олийларига ушбу анжуманни ўтказишдаги улкан шахсий ҳиссаси учун алоҳида ташаккур билдираман.

Глобал ижтимоий тараққиёт учун муҳим платформа бўлган саммитнинг айнан Доҳа шаҳрида ўтказилаётгани катта рамзий маънога эга. Қатар Давлати сўнгги йилларда ижтимоий инклюзивлик ва жадал тараққиётнинг глобал марказига айланмоқда. Бундай оламшумул ютуқлар билан Қатар халқини чин дилдан табриқлайман.

Бугунги кунда ижтимоий фаровонлиқни таъминлаш, аҳоли турмушини яхшилаш борасида дунё ҳамжамияти ва миллий ҳукуматлар биргаликда ҳаракат қилаётгани эътиборга моликдир.

Ўзбекистон барқарор тараққиёт сари барча халқаро ҳамкорлик форматлари ва ташаббусларини доим қўллаб-қувватлайди.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Биз кейинги йилларда Янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун” деган тамойил устувор бўлган, ижтимоий адолат таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли самарали ҳимоя қилинган жамият барпо этмоқдамиз. Бу йўлдаги қатъий позициямиз янги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди ҳамда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми эълон қилинди.

Аввал тарқоқ бўлган ижтимоий

ҳимоя дастурлари ягона тузилма — Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги асосида бирлаштирилди. Янги ижтимоий ҳимоя моделимиз жамиятнинг куйи бўғини бўлган маҳалладан бошлаб, ҳар бир хонадон ва оилани қамраб олмақда.

Охирги йилларда камбағаллик даражасини 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқартиришга эришдик. Биз бу йўлдаги ислохотларни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Жаҳонда мураккаб иқтисодий-ижтимоий жараёнлар кечаётган ҳозирги шароитда қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, камбағалликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлиқни янги босқичга кўтариш муҳим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 1 миллиард 100 миллион аҳоли камбағалликда умр кечирмоқда.

Ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий дастурларига ресурсларни кенг жалб этиш мақсадида камбағалликка қарши курашишнинг янги молиявий архитектурасини яратиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада ижтимоий тенгсизликни камайтириш, камбағалликни қисқартиришга амалий ёрдам берадиган Глобал ижтимоий адолат фондини таъсис этишни таклиф этамиз.

Иккинчидан, бандлик масаласини самарали ҳал этишда янги, замонавий механизмларни ишга тушириш долзарб аҳамиятга эга.

Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳисоботига кўра, 2024 йилда глобал ишсизлик даражаси 5 фоизни ташкил этди. Юқори технологиялар, сунъий интеллектнинг жадал кириб келаётгани дунёда миллионлаб иш ўринларининг йўқотилишига олиб келмоқда.

Бундай шароитда ҳукуматлар ва бизнес ижтимоий ҳамкор сифатида ходимларни қўллаб-қувватлашга катта аҳамият бериши зарур. Шу муносабат билан ижтимоий масъулият ва муносиб меҳнат бўйича глобал ташаббусни ишлаб чиқиш ҳақидаги таклифимизни маъқуллайсиз, деб ишонамиз.

Учинчидан, барча учун таълим имкониятларини кенгайтириш орқали ижтимоий муаммоларга самарали ечим топиш мумкин.

Ҳозирги даврда саводсизликнинг йиллик иқтисодий зарари 1,4 триллион АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда. Бу эса ёш авлодни ижтимоий ҳаёт ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топишни қийинлаштирмоқда ҳамда тенгсизликнинг кескин ўсишига сабаб бўлмоқда.

Биз кеча ўтган Очлик ва қашшоқликка қарши кураш бўйича Глобал альянснинг илк учрашуви қарорларини тўлиқ маъқуллаймиз. Унинг келгуси саммитларидан бирини Ўзбекистонда ўтказишни ва таълим масаласини асосий кун тартиби сифатида белгилашни таклиф қиламиз.

Тўртинчидан, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзоларини тизимли ҳимоя қилиш зарурати ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда дунёда 300 миллиондан ортиқ мигрантлар ўзга юртларда меҳнат қилмоқда. Афсуски, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб учрамоқда.

Келгуси йили халқаро меҳнат ва миграция ташкилотлари билан биргаликда Ўзбекистонда Мигрантлар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форум ўтказиш ва Глобал дастур қабул қилишни таклиф этаман.

Бешинчидан, барчамиз иқлим ўзгаришининг ижтимоий ҳаётга таъсирини яққол сезиб турибмиз.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 5 ноябрь куни амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрига келди.

“Эндрюс” авиабазасида давлатимиз раҳбарини АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Кристофер Ландау, АҚШ — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 5-6 ноябрь кунлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Президенти Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп билан учрашди ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “C5+1” форматидagi саммитида иштирок этади.

Тадбирлар дастуридан АҚШ Конгресси ва ҳукумати вакиллари билан музокаралар, ушбу мамлакат етакчи компанияларининг раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар ҳамда ишбилармон доиралар иштирокидаги давра суҳбати ҳам ўрин олган.

Амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёевни АҚШда ишлаётган ва таълим олаётган бир гуруҳ ватандошларимиз кутиб олди. Давлатимиз раҳбари улар билан самимий суҳбатлашиб, катта муваффақиятлар тилади.

president.uz

Ўзбекистон — АҚШ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК — МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ДРАЙВЕРИ

4 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Вашингтон шаҳрига борди. Вашингтонда давлатимиз раҳбари Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “C5+1” форматидagi саммитида иштирок этади. Шунингдек, АҚШ Президенти Дональд Трамп, Сенат ва Конгресс вакиллари ҳамда турли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Биз ва жаҳон

2015 йил ноябрь ойида Самарқандда ишга туширилган “C5+1” формати минтақавий тараққиёт, иқтисодий барқарорлик, экология, энергетика, хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришнинг муҳим механизмига айланди. Унинг асосий мақсади — доимий дипломатик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб масалалар

юзасидан фикр алмашиш, транспорт ва энергетик боғлиқликни мустаҳкамлаш, савдо, бизнес ва гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш. Ушбу форматнинг биринчи йиғилишида қабул қилинган “Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида”ги қўшма декларация АҚШнинг Марказий Осиё давлатларининг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашга содиглигини тасдиқлади.

ГЛОБАЛ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Иқлим ўзгаришига қарши курашишни бандлик дастурлари билан уйғунлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қўриш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон БМТ томонидан экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилинган Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги моделини ишга тушириш ниятида эканини маълум қилиб, мазкур тажрибани жаҳон ҳамжамияти билан бўлишишга тайёригличини билдирди.

Саммитда қабул қилинган қарорлар бутун дунёдаги миллионлаб одамларга умид бағишлаши, барқарорлик ва фаровонлиқни таъминлашга катта ҳисса қўишишга ишонч билдирилди.

— Халқро тараққиёт йўлида ижтимоий келишувни янгилаш, ҳар бир инсон учун муносиб ҳаёт тарзини яратиш бизнинг асосий бурчимиздир, — деди давлатимиз раҳбари.

Яқунда Ўзбекистон Президенти саммитда қабул қилинган Доҳа сиёсий декларациясини тўлиқ қўллаб-қувватлашини ва унинг барча тамойилларини ҳаётга таъбиқ этишга тайёригличини тасдиқлади.

Доҳа шаҳрига амалий таширф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Қатар стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва кўп қиррали амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қўриб чиқилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Қатар Амирини Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммити тадбирларининг муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Турли даражаларда самарали мулоқот ва алмашинувлар олиб борилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 45 фоизга ошди. Қатарнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланмоқда.

“Яшил” энергетика, транспорт, геология, тўқимачилик, туризм, инфратузилмани ривожлантириш ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қатар Давлатига амалий таширфи яқунланди.

Шайх Ҳамад номидаги халқро аэропортда Ўзбекистон Президентини Бош вазир ўринбосари, мудофаа вазири Шайх Сауд бин Абдурахмон Ол Соний ва бошқа расмий шахслар кузатиб қўйди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ Президенти Дональд Трампнинг тақлифига биноан Марказий Осиё мамлакатлари ва АҚШ етакчиларининг “С5+1” форматигада саммитда иштирок этиш учун Вашингтон шаҳрига жўнаб кетди.

Ў.А.

Ўзбекистон — АҚШ:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК – МИНТАҚАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ДРАЙВЕРИ

“С5+1” етакчиларининг илк саммити 2023 йил сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтди ва кенг камровли кун тартибини илгари суришга кучли туртки берди. Ушбу саммит хусусий сектор бизнес-платформаси “B5+1” ва Мухим минераллар бўйича мулоқот каби ташаббусларнинг ишга туширилиши билан ёдда қолди. Формат доирасида 13 мартаба вазирлар даражасида, 3 мартаба эса юқори даражадаги учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, иқлим, ривожланиш, Афғонистон ва бошқа устувор йўналишларга бағишланган махсус форумлар ташкил этилди.

Ўзбекистон “С5+1” форматигада фаол ва конс-руктив позицияни эгаллаб, ўзаро ҳамкорликнинг институционаллашуви, чегара хавфсизлигини мустаҳкамлаш, иқлим ва экология муаммоларига қарши курашини фаолиятлаштириш, савдо, инвестициялар, транспорт ва энергетика йўналишларидаги лойиҳаларни давом эттириш, шунингдек, Афғонистонга оид ташаббусларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Расмий Тошкент илгари сурган қўллаб ташаббуслар, хусусан, “С5+1 виртуал котибияти”ни тузиш, ТИФА доирасидаги учрашувлар, сунъий интеллект ва таълим соҳаларидаги лойиҳаларни жаддалаштириш каби тақлифлар амалий ҳаётга таъбиқ қилинди.

Ушбу кўп томонлама ташаббусларнинг амалий натижалари ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Минтақавий ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши янги экспорт йўналишларини очди, инвестициявий жозибадорлиқни оширди, экспертлар ўртасида билим алмашиш платформаларини яратди, бу эса Марказий Осиёда барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилди.

Ўзбекистоннинг “С5+1”даги фаол иштироки АҚШ билан икки томонлама шерикликни чуқурлаштириш сиёсати билан уйғундир. Ҳамкорлик сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, фан ва маданият каби барча йўналишларда жадвал ривожланмоқда.

1992 йил 19 февралда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён расмий Тошкент ва Вашингтон ўртасида

даги муносабатлар салмоқли йўлни босиб ўтди. Муқобил бурилиш нуқтаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15 — 17 май кунлари АҚШга расмий таширфи бўлди. Ушбу таширф стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб берди. Президент, шунингдек, 2017 йил май ойда Ар-Риёддаги саммитда, 2017 ва 2025 йил сентябрь ойларида БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари доирасида АҚШ етакчилари билан учрашувлар ўтказган.

2021 йилда икки томонлама сиёсий мулоқот “Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик мулоқоти”га айлантирилди. Унинг йиғилишлари икки давлат пойтахтларида навбатан-навбат ўтказилиб келинмоқда. 2024 йил 13 ноябрда Вашингтонда бўлиб ўтган тўртинчи йиғилишда бу форматнинг макomini “Кенгайтирилган стратегик шериклик мулоқоти” даражасига кўтаришга келишиб олинди.

АҚШ маъмурияти ва махсус маслаҳатчиларнинг Ўзбекистонга таширфлари ҳам мунтазам тус олган. 2025 йилда АҚШ Президентининг глобал шериклик бўйича махсус вакили Паоло Замполлининг таширфи ҳамда Жанубий ва Марказий Осиё бўйича махсус маслаҳатчи Сержио Гор ва давлат котибининг биринчи ўринбосари Кристофер Ландаунинг таширфи амалга оширилди.

2025 йил 8 — 10 апрель кунлари Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидовнинг АҚШга таширфи икки томонлама муносабатларнинг юқори даражада эканини яна бир бор тасдиқлади. Таширф доирасида АҚШ Давлат котиби Марко Рубио ва АҚШ Президентининг Миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Майкл Уолтц билан учрашувлар ўтказилди. Томонлар минтақавий ва халқро масалаларни муҳокама қилиб, хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш, минтақавий боғлиқлик ва Марказий Осиёда барқарор ривожланиш масалаларида стратегик шерикликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон — АҚШ парламентлараро алоқалари ҳам юқори даражада. 2018 йилда АҚШ Конгрессида

“Ўзбекистон бўйича кокус” тузилган бўлиб, унда икки партия вакиллари иштирок этади. Конгресс делегацияларининг таширфлари мунтазам уюштириляпти.

Иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Йил сайин икки томонлама товар айланмаси ҳажми ва инвестиция лойиҳалари сони ўсмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда “Air Products”, “General Electric”, “General Motors”, “Boeing”, “Honeywell”, “Coca-Cola”, “John Deere” ва бошқа нуфузли компаниялар фаолият юрляпти.

IV Тошкент халқро инвестиция форуми доирасида 2025 йил 9 июнь кунини Ўзбекистон — АҚШ бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг 100га яқин компаниялари қатнашди. “Boeing”, “FLS”, “Visa”, “NASDAQ”, “Air Products”, “Franklin Templeton”, “Morgan Stanley” ва бошқа компаниялар билан музокаралар ўтказилди ва меморандумлар имзоланди.

АҚШ Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлишини қўллаб-қувватлайди. 2024 йил декабрда Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши бўйича икки томонлама музокараларни яқунловчи Баённома имзоланди. Бу мамлакатимизнинг жаҳон савдо тизимига интеграциясида муҳим қадамдир.

Маданий-гуманитар соҳани ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми сифатида қайд этиш жоиз. Тошкент — Сизтл, Бухоро — Санта-Пе, Зарафшон — Клинтон шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган. Бу алоқалар маданий ва таълимий лойиҳалар, туризм ва бизнес ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Таълим соҳасида 2019 йилда Тошкентда Вебстер университети филиали ҳамда Аризона давлат университети билан ҳамкорликда ташкил этилган Америка технология университети (AUT) муҳим роль ўйнамоқда. 2025 йил 30 август кунини “AUT”да илм-фан ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик маркази — “АҚШ бурчаги” очилди.

2023 йил октябрда Тошкентда “Education USA” минтақавий форуми ўтказилди. Унда АҚШнинг 65 та олий

таълим муассасаси иштирок этди. Ўзбекистонда “American Councils” (ACIE) фаолияти қайта тикланди, Тинчлик корпуси фаолиятини тиклаш бўйича ишлар давом этиляпти.

Транспорт соҳасида ўрнатилган яқин шериклик алоқалари ҳам янги имкониятлар очмоқда. Хусусан, 2017 йил июль ойидан бошлаб миллий авиакомпания томонидан Тошкент — Нью-Йорк — Тошкент йўналиши бўйича тўғридан-тўғри авиапарвозлар қайта йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, АҚШ Ўзбекистонда амалга оширилаётган ички ислохотларни изчил қўллаб-қувватламоқда. Давлат департаменти ва Меҳнат департаменти ҳисоботларида одам савдосига қарши курашиш ва болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини бартараф қилишдаги ютуқлар эътироф этилган. Ўзбекистон пахтаси болалар меҳнати билан боғлиқ махсулотлар рўйхатидан чиқарилди. 2020 йил декабрь ойида эса Ўзбекистон виждон эркинлиги бўйича “алоҳида хавотир уйғотувчи мамлакатлар” рўйхатидан чиқарилди; 2024 йил апрель ойида АҚШ Савдо ваколатхонаси Ўзбекистонни интеллектуал мулк ҳимояси бўйича кузатув рўйхатидан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга амалга ошираётган амалий таширфи ҳамда “С5+1” саммитидаги иштироки икки ва кўп томонлама йўналишларда амалий лойиҳаларни жаддалаштиришга кучли туртки беради. Таширф, шунингдек, сиёсий мулоқотни мустаҳкамлайди, аввал имзоланган инвестиция келишувлари амалга ошишини тезлаштиради, таълим ва маданий алмашинувларни кенгайтиради, энергетика, транспорт ва рақамли технологияларга доир лойиҳаларни келишиш ва амалга оширишга қўшимча туртки беради.

Ўзбекистон учун бу Марказий Осиёда фаол ва ишончли шерик эканини яна бир бор тасдиқлаш имконияти бўлса, АҚШ учун глобал барқарорлик ва иқтисодий ривожланиш учун муҳим бўлган минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш платформасидир.

«Дунё» АА.

КОРРУПЦИОН ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Кеча Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр йиғилиш

Унда Миллий ва ҳудудий кенгаш аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари, Бош прокуратура, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Унда воҳада коррупцияга қарши курашиш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва кримноген вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятига 2 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб этиш, 425 минг аҳолини банд қилиш ва экспорт ҳажмини 320 миллион долларга етказиш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Шу билан бирга, вилоятда ичимлик суви таъминотини яхшилаш, инфратузилмани модернизациялаш ва маҳаллий бошқарув тизимини такомиллаштириш йўналишларида ҳам қатор

амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда бошқарувнинг янги тизимини жорий этиш бўйича ҳам Сурхондарёга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис вилоят ривож, аҳоли турмуши, кайфияти учун муҳим бўлган энергетика, қурилиш, кадастр каби соҳаларнинг олдини олиш ва кримноген вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Ўрганишлар кўрсатганидек, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш, ер участкаларини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, қурилишда маблағларни асоссиз сарфлаш, давлат харидларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ҳолатлари учрамоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда коррупцияга оид жиноятлар сони 50 фоизга ортиб, улар, асосан, таълим, соғлиқни сақлаш ва энергетика соҳаларига тааллуқли экани қайд этилди.

Миллий кенгаш аъзолари ва мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан ушбу ҳолатларни тизимли таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини бартараф этиш бўйича аниқ

чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Мажлисида вилоятда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жиноятчиликни камайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Шу билан бирга, оилавий низолар оқибатидаги жиноятларнинг ортиб боргани, бу борада “маҳалла еттилик”и ва ҳуқуқтарғибот органлари билан ҳамкорликнинг сустигли, натижада профилактик ишлар олиб борилмаганлиги танқид қилинди. Шунингдек, фирибгарлик, айниқса, кибержиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тизимли ишларни қучайтириш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Мажлис яқунда масъул раҳбарлар зиммасига барча соҳада коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш, рақамлаштириш жараёнларини жаддалаштириш, аҳоли муурожаатларини тезкор ҳал этиш ҳамда маҳаллий Кенгашлар фаолигини қучайтириш бўйича вазифалар юклатилди.

Ўз ишига совуққўнлик билан ёндашган қатор раҳбарлар ҳамда ҳоким ёрдамчиларидан иборат 14 нафар масъул ҳодимга нисбатан фаолиятларидаги камчиликлар учун интизомий чора қўриш, айримларини лавозимидан озод этиш бўйича топшириқлар берилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Халқро ҳамкорлик МИСРДАГИ МУЛОҚОТЛАР

1 — 3 ноябрь кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоилов бошчилигидаги делегация Миср Араб Республикасининг Қоҳира шаҳрида бўлди.

Таширф доирасида Ўзбекистон делегацияси Катта Миср музейининг очилиш маросимига иштирок этди. Унда 120 га яқин давлат ва халқро ташкилотлар делегациялари қатнашди.

Маросимда иштирокчилар томонидан Катта Миср музейининг очилиши халқлар ўртасидаги тинчлик, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳурмат ғоялари мустаҳкамланишида муҳим аҳамият

касб этиши алоҳида айтилди.

Тадбир доирасида мамлакатимиз делегациясининг Миср Араб Республикаси Парламенти Вакиллар палатаси Спикери Ҳанафи Али ал-Ғабали билан учрашуви бўлиб ўтди.

Миср Спикери шу йил 5 — 9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Парламентлараро Иттифокнинг 150-ассамблеясидаги иштироки ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинганини самимият билан эслди.

РАҚАМЛИ МУҲИТДА АЁЛЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА)нинг Тошкентдаги ваколатхонаси вакиллари, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувлар давомида маҳаллий тадбиркорлар, ҳокимликлар ва соҳавий ташкилотлар вакиллари иштирокида иқтисодий фаоллиқни янада қучайтириш, лойиҳаларни молиялаштириш ва янги сармоячиларни жалб этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудуднинг маданий ва табиий салоҳиятини самарали фойдаланиш, хорижий туристлар оқимини ошириш борасидаги долзарб вазифалар қўриб қилинди.

Таширф яқунда инвестиция фаолиятини янада рағбатлантириш, экспортбоп махсулотлар тайёрлаш ҳажмини ошириш, аҳоли бандлиги ва турмуш даражасини юксалтириш бўйича аниқ тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Бурҳонов томонидан ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ўрганиш

Дастлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги иختисослаштирилган мактабнинг Нукус филиалида мактаб таълими тизимида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Муҳокама давомида ўқитувчиларга сертификатлар бериш, қўшимча таълим тўловларини амалга ошириш жараёнида шафқофликни таъминлаш, таълим муассасаларида бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни соғлом овқат билан

таъминлаш масалалари атрофлича қўриб қилинди.

Соҳада мавжуд маиший коррупция ҳолатларини бартараф этиш, фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, таълим тизимини очик ва самарали фаолият юритадиган соҳалардан бирига айлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Рақамли соғлиқни сақлаш маркази Қорақалпоғистон филиалида ҳам бўлиб, беморларга тиббий хизмат кўрсатиш жараёнини рақамлаштириш даражаси ва амалий натижалари билан ҳам танишди.

Тадбирда соғлиқни сақлаш соҳа-

сида коррупциянинг олдини олиш, маиший коррупция ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, шунингдек, фуқароларга тиббий хизматлар кўрсатишда очиклик ва шафқофликни таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Шу билан бирга, Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ва унинг ҳудудий тизимларида “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижроси ўрганилиб, тизимдаги айрим камчиликлар ҳамда коррупциявий омилларни келтириб чиқараётган сабаблар таҳлил қилинди.

Ўрганишлар яқунда тегишли идоралар раҳбарларига аниқ мудаҳатлар билан вазифалар юклатилди, уларнинг ижроси эса алоҳида назоратта олинди.

* * *

Сенатнинг Халқро муносабатлар,

Акс садо



Ҳосон ПАЙДОЕВ олган сурат.

Янги Ўзбекистон ўз позициясини яна бир бор кўрсатди

Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқ сўзлаши халқаро майдонда кучли акс садо берди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган таклиф ва ташаббуслар ижтимоий адолат, таълим, бандлик, миграция ҳамда экология соҳаларини қамраб олиб, Янги Ўзбекистоннинг глобал ижтимоий ривожланишдаги аниқ позициясини яна бир бор кўрсатди.

Президентимиз ўз нутқида бугунги дунёда камбағаллик, тенгсизлик ва ижтимоий беқарорлик муаммоларни кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу боис халқаро ҳамжамиятни бир ёқадан бош чиқариб, янги молиявий механизмлар орқали камбағалликка қарши курашиш мақсадида Глобал ижтимоий адолат фондини тузиш ташаббуси илгари сурилди.

Бу гоё нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният учун долзарб. Сабаби адолат ва тенг имкониятлар таъминлиги асосланган ижтимоий тизим барқарор тараққиётнинг пой-девори дидир.

Сўнгги йилларда мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар натижасида камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқаргани кайд этилди. Бу натижа Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналишдаги сиёсати самарадорлигини яққол кўрсатади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда мамлакатнинг ижтимоий давлат мақоми мустаҳкамланган бўлиб, бу, ўз навбатида, ҳар бир фуқароннинг фаровон ҳаёт кечириш ҳуқуқини амалда таъминлашга қаратилган ёндашувдир.

Давлатимиз раҳбари таълим тизимини ижтимоий барқарорлиқнинг асосий омили сифатида кўрсатиб ўтди. Саводсизликнинг йиллик иқтисодий зарари 1,4 триллион АҚШ долларига тенг экани ҳақида келтирилган рақамлар таълимга сармоя киритиш заруриятини яна бир бор тасдиқлайди.

Шу муносабат билан Глобал альянс саммитларидан бирини Ўзбекистонда ўтказиш ва таълим масаласини асосий кун тартибига киритиш таклифи ўта аҳамиятли ташаббус бўлди. Доҳа саммитидаги чиқиш Ўзбекистоннинг глобал микёсда ижтимоий адолат ва барқарор ривожланиш учун масъулиятли ҳамкор сифатидаги ролини яна бир бор тасдиқлади. Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланган Доҳа сиёсий декларацияси нафақат баёнот, балки амалий ҳаракатлар учун қаҳриқдир.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси.

Инсон қадрини янада юксалтиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қатар давлатига ташрифи ва у ерда бўлиб ўтган Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитидаги иштироки юртимиз учун катта сиёсий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлди. Саммитнинг асосий мавзуси — инсон қадрини юксалтириш, ижтимоий адолат ва барқарор тараққиёт таъминлигини амалиётга татбиқ этиш. Бу йўналишлар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар билан тўлиқ ҳамоҳанг.

Президентимиз ташаббуси билан “Инсон қадрини учун” таъминлиги асосида амалга оширилаётган кенг қамровли дастурлар — аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлиқни таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш йўлидаги ислохотлар саммит мақсадларига мос экани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз делегациясининг саммитдаги иштироки жуда фаол ва мазмунли бўлди, дейиш мумкин. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ижтимоий-иқтисодий тенгсизликларни қамайтириш, инсон капиталини ривожлантириш, ёшлар ва хотин-қизлар учун янги имкониятлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрафлича тўхталиб ўтди.

Ушбу йўналишлардаги тажрибамиз қўллаб-қувватлаш ва халқаро ташкилотлар томонидан қизқиқиш билан қувватланимоқда. Бугун дунё бўйлаб 300 миллиондан ортиқ муҳожирлар меҳнат фаолияти билан шугулланади. Уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласи глобал муаммо сифатида долзарбламмоқда. Шу боис Ўзбекистон томонидан Мигрантлар ва уларнинг оилавларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича халқаро форумни Тошкентда ўтказиш ташаббуси илгари сурилди. Бу ташаббус меҳнат муҳожирлари манфаатларини халқаро даражада ҳимоя қилишга, уларнинг инсоний ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган амалий қадамлардан биридир.

Президентимиз иқлим ўзгариши масаласини ҳам ижтимоий барқарорлик контекстида кўриб чиқди. Экстремал об-ҳаво, чўлланиш ва биохилмаҳилликнинг йўқолиши, аввало, заиф қатламлар ҳаётига таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтди. Шу

Орзуғул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси.

Жаҳон ҳамжамияти учун тарихий аҳамиятга эга воқеа

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам тарихий аҳамиятга эга воқеадир. Самарқанднинг бу каби нуфузли анжуманга мезбонлик қилиши унинг Буюк Ипак йўли давридан бери маданиятлар чорраҳаси, илму маърифат маркази сифатидаги улуг тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, қадимий кент азалдан башариятнинг буюк кашфиётлари бешиги, илм-фан, адабиёт ва маданият гуллаб-яшнаган маскан бўлган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ушбу тадбир очилиш маросимидаги нутқи жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар ЮНЕСКО фаолиятини замонавий талабларга мос йўналишларда бойитишга қаратилган бўлиб, таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида инсоният келажагига хизмат қилади.

Илгари сурилган таклифларнинг моҳиятига эътибор қаратсак, уларнинг аксарияти Ўзбекистон амалиётига жорий этилган ва натижа бераётган, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф қилинаётган стратегик масалалардир. Хусусан, инсонпарвар таълим ва сунъий интеллект бирлашуви. Бугун таълим тизимини рақамлаштириш ва инклюзивлиқни таъминлаш замонавий жамиятнинг энг муҳим вазифасига айланган. Шу нуктаи назардан, давлатимиз раҳбари “Сунъий интеллект — мактаб” лойиҳасини илгари сурди.

Бу дастур ёш авлоднинг рақамли дунёга мослашувини таъминлаб, уларда инновацион фикрларни ривожлантиради. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун Инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини жорий этиш таклифи ҳам илгари сурилди. Бу гоё ҳар бир болага тенг имконият бериш, “ҳеч ким орқада қолмасин” таъминлини амалда татбиқ қилишга қаратилгани билан эътиборга молик.

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда инклюзив таълимга, имконияти чекланган шахсларнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга жуда катта эътибор қаратилди. Қолаверса, таълимга сунъий интеллектни жорий этиш вазифаси стратегик масала сифатида таҳлил қилинди. Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан бу борада алоҳида видеоселлектрон йўналишга ўтказилиб, устувор вазифалар белгилан берилганди.

Мамлакатимиз етакчилигини муҳим ташаббусларидан бири маданий ва ҳужжатли меросни муҳофаза қилишга бағишланди. Дарҳақиқат, миллий маданий меросни асраб-авайлаш, уларни келажақ авлодга етказиб бериш ҳар бир инсоннинг конституцийий бурчи ҳисобланади. Бу борадаги таклифлар ҳам жуда ўринли.

Маданий мерос муҳофазаси ва экологик бирдамлик асоси

ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси Янги Ўзбекистоннинг глобал микёсдаги обу-эътибори, маданий дипломатиясининг кучайгани ва ишончли ҳамкор сифатида эътироф этилаётганининг яққол далилидир.

Президентимиз сессиянинг очилиш маросимидаги кенг қамровли нутқи билан Ўзбекистоннинг нафақат халқаро микёсда ўрнини мустаҳкамлади, балки экология, таълим, маданият ва илм-фан йўналишларида янги ташаббусларни илгари суриш орқали ЮНЕСКОнинг глобал кун тартибига янги мазмун киритди.

Маълумки, ҳар бир инсон жисмоний ёки ижтимоий имкониятидан қатъи назар, таълим олиш ҳуқуқига эга. Шу боис Президентимиз томонидан ЮНЕСКО доирасида алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим платформасини яратиш ва Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди. Бу Ўзбекистоннинг глобал микёсда таълим сиёсатида иштирокини мустаҳкамлайди ва ёш авлодни рақамли дунёда фаол, масъулиятли шахс сифатида шакллантиришга хизмат қилади.

Иккинчи муҳим йўналиш маданий меросни асраб-авайлаш масалаларига бағишланди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг 20 га яқин номдоқий мерос объектлари ЮНЕСКО рўйхатига киритилган. “Шашмақом”, “Лазги” рақси, Наврўз байрами, аския санъати, атлас ва адрас тўқиш анъаналари, Катта ашула ва бошқалар шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари “Жаҳон хотира” дастурини ривожлантириш, 19 ноябрни

“Халқаро ҳужжатли мерос кўни” деб эълон қилиш ва Рақамли мерос халқаро институтини ташкил этиш таклифини илгари сурди. Бу халқаро даражада ҳужжатли ва рақамли маданий меросни сақлаш бўйича тизимли ёндашувни яратишга қаратилган, Ўзбекистоннинг етакчилигини мустаҳкамлаши билан эътиборлидир.

Нутқда экология масалаларига ҳам алоҳида урғу берилгани муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, маданий меросни экологик хавфлардан ҳимоя қилиш, “яшин” сиёсатини қучайтириш ва глобал экологик бирдамликни шакллантириш зарурлиги таъкидланди. Бу беҳиз эмас. Чунки атраф-муҳитнинг кескин ўзгариши, музликларнинг эриши, чўлланиш, туپроқ қатламнинг емирилиши ва урбанизация жараёнлари нафақат табиий муҳит, балки маданий мерос объектларининг сақланишига ҳам жиддий хавф туғдираётгани бугун ЮНЕСКОни ҳам ташвишга солмоқда. Шу боис Ўзбекистон раҳбари маданий меросни асраб-авайлаш жараёнида экологик омилларга эътиборни қучайтириш, бу йўналишда халқаро бирдамликни мустаҳкамлаш лозимлигини қайд этди.

Шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг “Глобаллашув ва иқлим ўзгаришлари шароитида маданий меросни асраб-авайлаш бўйича чора-

тадбирларни қучайтириш тўғрисида”ги резолюциясини ишлаб чиқиш зарурлиги таклиф этилди. Мазкур ҳужжат иқлим инқирозининг маданий меросга салбий таъсирини қамайтириш, экологик хавфлар шароитида тарихий ёдгорликлар ҳимояси бўйича халқаро ҳуқуқий ва амалий механизмларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президентимизнинг бу ташаббуси ЮНЕСКО сиёсатида экологик муҳофаза ва маданий қадриятларни интеграциялаш йўлида дадил қадамдир.

Давлатимиз раҳбари мазкур масалалар бўйича Хива шаҳрида халқаро симпозиум ўтказишга тайёригичин билдирди. Ушбу ташаббус минтақавий ҳамкорликни қучайтириш, Марказий Осиё давлатлари ўртасида экология, маданият ва барқарор тараққиёт соҳаларида ўзаро тажриба алмашиш учун муҳим майдон бўлиши кутилмоқда.

Айтиш жоизки, илгари сурилган ушбу ташаббуслар Ўзбекистоннинг “яшил дипломатия” йўналишида етакчилик ролини мустаҳкамлайди. Бу ёндашув мамлакатимизнинг экологик барқарорлик, маданий меросни асраб-авайлаш ва глобал бирдамликни таъминлаш борасидаги масъулиятли позициясини яққол ифода этади. Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон ташаббуслари инсониятнинг умумий келажаги учун ягона “барқарор ривожланиш” концепциясини илгари сураётганини кўрсатади.

Ойбек РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Халқ манфаатларига ҳамоҳанг изчил сиёсат

Бугунги глобал ўзгаришлар, ижтимоий тенгсизлик ва иқтисодий қийинчиликлар авж олган бир шароитда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ижтимоий ривожланиш бўйича иккинчи Жаҳон саммитидаги нутқи нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун муҳим сиёсий ва инсонпарварлик аҳамиятга эга воқеа бўлди. Сабаби давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган гоёлар бугунги куннинг долзарб қаҳриқларига жавоб берувчи, амалий ечимларга қаратилган аниқ таклифлар экани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Президентимиз нутқида “Инсон қадрини учун” таъминлиги янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий устуни экани яна бир бор таъкидланди. Конституциямизга киритилган “ижтимоий давлат” концепцияси эса бу гоёнинг ҳуқуқий пойдевори бўлди. Сўнгги йилларда амалга оширилган ижтимоий ислохотлар натижасида мамлакатимизда камбағаллик даражаси 35 фоиздан 6,6 фоизгача қисқарди. Бу, шубҳасиз, давлат сиёсатининг халқ манфаатларига йўналтирилганининг яққол далилидир.

Қолаверса, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши бутун тизимни ягона марказда бирлаштириб, “ҳар бир хонадон, ҳар бир оила” таъминлиги асосида аниқ манзилли ёрдам кўрсатиш имконини берди. Яна бир илгари сурилган Глобал ижтимоий адолат фондини ташкил этиш ташаббуси дунё микёсда ижтимоий тенгсизликка қарши курашда янги саҳифа очиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирда 1 миллиард 100 миллион аҳоли камбағаллик шароитида яшамокда. Шундай экан, камбағалликка қарши курашни фақат миллий ислохотлар эмас, балки халқаро молиявий ҳамжиҳатлик асосида олиб бориш зарур. Ўзбекистон бу ташаббус орқали ижтимоий адолат гоёсини глобал микёсда

амалга оширишга даъват этмоқда.

Нутқда таъкидланган иккинчи муҳим масала, бу — бандлик ва муносиб меҳнати таъминлаш. Ҳеч кимга сир эмас, бугун замонавий технологиялар ва сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши иш бозорига янги талабларни келтириб чиқармоқда. Шу боис “касбдан касбга ўтиш” тизимини такомиллаштириш, қайта тайёрлаш курсларини кенгайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, таълим тизимидаги ислохотлар ёшларни жаҳон стандартларига мос билим ва кўникмалар билан таъминлашга қаратилган. Президентнинг таълим имкониятларини кенгайтириш орқали ижтимоий муаммоларга самарали ечим топиш масаласини кун тартибига қичариш ҳақидаги таклифи ҳам шунга хизмат қилади.

Шу билан бирга, нутқда айни вақтдаги энг катта таҳдидлардан бири иқлим ўзгариши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Орол фожияси мисолида Ўзбекис-

тон нафақат экологик, балки ижтимоий муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳам илғор тажрибага эга бўлмоқда. Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди сифатида ривожлантириш фақат мамлакатимиз учун эмас, балки бутун минтақа учун барқарор ривожланишнинг янги модели бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Доҳа саммитидаги нутқи замонавий дунёда ижтимоий ҳамжиҳатлик, адолат ва инсон қадрини таъминлаш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берган дастурий ҳужжат саналади. Ушбу гоёларни қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш, ижтимоий сиёсатни инсон манфаатларига янада яқинлаштириш ва жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорликни қучураштириш биз, парламент аъзолари олдида турган устувор вазифа саналади.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Ёш фермерлар — инновацион қишлоқ хўжалигининг етакчилари

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Агробанк” АТБ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Республика агрокимёвий таҳлил маркази ҳамкорлигида “Ёш фермерлар — инновацион қишлоқ хўжалигининг лидерлари” мавзуда форум ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан юзлаб ёш фермерлар, уларга кўмақдош ташкилотлар мута-садилари қатнашди.

Форум

Анжуманда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши раиси Ақтам Хайтов таъкидлаганидек, давлатимиз раҳбари-

Кейинги йилларда “Ақли қишлоқ хўжалиги” таъминлиги пайдо бўлди, илмий изланишлар, хорих тажрибаси асосида ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш, маҳсулотларни чукүр қайта ишлаган ҳолда қўшимча қиймат занжирини яратиш жозибадорлиги кўзга ташланмоқда. Бу экспортни қўпайтиришнинг ҳам кафолатидир. Айни чоғда мамлакатимиз бўйича турли йўналишларда 90 мингдан ортиқ фермер хўжалиқлари фаолият олиб бормоқда. Қаердаки, замонавий технологиялар қўлланган, тадбиркорлар давлат бераётган солиқ имтиёзлари, субсидиялардан самара-

ли фойдаланаётган бўлса, ўша жойда ютүк ҳам, юксалиш ҳам бор.

— Бу ерга катта қизиқиш билан, янгиликларни билай, олимлар нима маслаҳат беради, шуни эшитай деб келдим. Фикрларни тинглаб, кўнглимда янги гоё, мақсад туғилди. Ниятим — бир ярим миллиард сўм кредит олиб, 300 тонналик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саклайдиган омбор, майдизни қайта ишлайдиган ускуна харид қилиш. Кенгаш қошидаги жамғарма ҳисобидан олсам, фоизи ҳам бўларкан, — дейди Паркент туманидаги “Заркент Суннат Қўчқоров” фермер хўжалиги раҳбари Жаҳонгир Суннатов.

— 25 гектарлик узумзору 4 гектар гилос боғим бор. Аслида фермерлик менга бо-бом Суннат Қўчқоровдан мерос, жуда ба-ракали ва танти боғбон эди. Шу боис бутун кучимни аждоқларим бошлаган ишни янада юксалтиришга, қишлоғимни том мазнода Заркентга айлантиришга бағишладим. Бу йил 76 тонна узумни ички ва ташқи бозорларга сотдим. Ҳозир 100 тонналик омборда 23 тонна сара узумлارни сақляпмиз. Янги йил ара-фасида бу маҳсулотнинг ҳар килоси 25 минг сўмдан ошади, экспортга чиқа-ра олсам, нархи икки қарра юқори бўла-ди. Маҳсулотнинг бозор қиймати узум

пишган маҳал 10 минг сўмга ҳам бор-масди. Шу сабабли ҳам каттароқ омборлар қуриб, маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўймоқчиман.

Анжуманда иқтидорли ёш тадбиркорлар ўзаро фикр алмашиш, муаммолар-ни муҳокама қилиш ва янги ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконига эга бўлди. Фаол ёш фермерлар ҳамда та-дбиркорлар кенгашининг ташақкурнома-си билан тақдирланди.

Тадбир якунида ёш фермерлар учун тез кунларда грант ва инвестиция лойиҳалари бўйича танлов эълон қилиниши ҳам айтилди. Бу эса улар-нинг гоёларини ҳаёtgа татбиқ этишда муҳим кадам бўлади.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

ЖСТга АЪЗОЛИК

МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИГА
ДАХЛДОР МУҲИМ ҚАДАМ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашувида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзолиги бўйича Европа Иттифоқи билан икки томонлама музокаралар якунлангани маълум қилинди.

2019 йилда Ўзбекистон 2000 йилда тўхтаб қўйилган ЖСТга аъзолик бўйича музокара жараёнини қайта бошлади ва шундан бери бу йўналишда салмоқли қадамлар ташлади.

Айни кунларда мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича музокаралар якунига яқинлашмоқда. Расмий Тошкент 2026 йилгача тўлақонли аъзо макomini олишни кутмоқда. Ўзбекистоннинг ташкилотга қўшилиши мамлакатимиз иқтисодиёти учун янги уфқларни очиб, 164 аъзо давлатдан иборат глобал бозорга кириш имкониятини беради. ЖСТга аъзолик Ўзбекистонга хаттарлардан кўра кўпроқ афзалликлар келтиради. Бу 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг муҳим нуқтасидир.

Таҳлил

Истиқболли
имкониятлар ва
халқаро ҳамкорлик

Дунёнинг ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлари билан нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш йўлида қелишувларга эришилди. АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Хитой каби ийрик акторлар ҳам шулар жумласидан. Айниқса, ЕИ билан имзоланган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим савдо, инвестициялар ва транспорт-логистика алоқаларини ривожлантириш учун янги истиқболли имкониятларни очади, бу эса, албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлайди.

ЖСТ нормаларининг янги ҳужжатга киритилиши инвестициявий ўзаро ҳамкорлиқни ошириш ва товарлар, хизматлар ҳамда интеллектуал мулкни эркин алмашиш учун қулай шароит яратади. Инновациялар, “яшил” энергетика, қазиб олиш саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика, рақамлаштириш ва бошқа муҳим йўналишларда қўшма дастурлар ҳамда лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилишига имкон беради. АҚШ ҳам Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзоликка оид стратегиясини қўллаб-қувватламакда.

2020 йил март ойда расмий Тошкент ва Вашингтон АҚШнинг Савдо тўғрисидаги қўнғига 1974 йлдаги Жексон-Вэник тўзатишининг амалда бўлишини бекор қилишни муҳокама этди, бу тўзатиш ЖСТнинг савдода энг қулай режими таъминлаш бўйича асосий қоидаларига зиддир. Ҳозирча Ўзбекистонга нисбатан тўзатишнинг амал қилишидан вақтинчалик овоз этиш (вақтинчалик истисно) процедураси қўлланилмоқда. Музокаралардаги ишончли утуқлар мамлакатнинг глобал савдо тизимига интеграциялашиб, иқтисодий ривожланишининг янги босқичга тайёр эканлигидан далолат беради.

Ислохотларни
янада жаддалаштириш
зарурати

ЖСТга аъзо бўлиш, бу — нафақат бугунги кун қарори, балки мам-

лакат келажагини белгилайдиган стратегик қадамдир. Келгуси авлодлар қандай яшаши ва ривожланиши ҳақида ўйланган қарор бу.

Аммо шу ўриндан бир нарсани унутмаслик керак: ЖСТга аъзолик ҳамда ташқи савдонинг либераллаштириш иқтисодиётнинг жадал таркибий қайта қурилиши билан боғлиқ қисқа ва ўрта муддатли йўқотишларга олиб қелиши мумкин. Ана шу нукта назардан аъзоликнинг қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик ва хусусий бизнесга таъсирини таҳлил қилиб, барча ижобий ва салбий томонлари синчиклаб тарозига солинди.

Экспертларнинг фикрига кўра, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ҳали тўлиқ очилмаган. Шу сабабли, узок муддатли истиқболда ЖСТга аъзо бўлишдан қўрадиган фойдалар йўқотишлардан устун келади, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиёт тўзилмасини яхшилайдиган ва аҳоли фаровонлигини оширади. ЖСТ аъзолиги, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиши, тарифларни пасайтириши, инвесторлар сонини кўпайтириши, янги иш ўринларини яратиши ва экспортда можа-ролардан қочишга ёрдам бериши мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда ЖСТ билан музокаралар жараёни муҳокама қилинган йиғилишлардан бирида Ўзбекистоннинг тўзилмага аъзо бўлишининг иқтисодий аҳамияти ҳақида тўхталиб, яқин уч йил ичида тайёр маҳсулотлар экспортини икки баробар ошириш режалаштирилгани, бу 164 мамлакат билан адолатли савдо тизимини йўлга қўйиш ва барқарор бозорларга эга бўлишга имкон беришини таъкидлади.

Давлат раҳбари Ўзбекистон қонунчилигини ЖСТ нормалари билан синхронлаштириш, процедуралар ва стандартларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш вазифасини қўйди.

«Ўзбекистон — 2030»
стратегиясига ҳамоҳанг
улкан мақсадлар

Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиёти ўртача 6-6,5 фоиз ўсиб, ялпи ички маҳсулот ҳажми (ЯИМ)

2024 йилда қарийб 115 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар ЯИМ ҳажмини 160 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг эса 4 минг долларга етказиш бўйича улкан мақсад белгиланган. Шу орқали ўртачадан юқори даромад даражасига эга мамлакатлар қаторига кириш вазифаси қўйилган.

Дастлабки прогнозлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат иқтисодиёти 200 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад эса 5 минг долларгача кўтариллиши мумкин. Бу қадар юқори макроиктисодий кўрсаткичларни белгилашга асос сўнгги йилларда миллий иқтисодиётни ислох этиш ва модернизация қилишда шаклланган замонавий институционал меъморчилик бўлиб, у ижобий макроиктисодий кўрсаткичларга эришишни таъминлашга, шунингдек, мамлакатда инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга имкон бериши.

“Дунёнинг ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлари билан нуфузли ташкилотга аъзо бўлиш йўлида қелишувларга эришилди. АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи (ЕИ) ва Хитой каби ийрик акторлар ҳам шулар жумласидан. Айниқса, ЕИ билан имзоланган Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим савдо, инвестициялар ва транспорт-логистика алоқаларини ривожлантириш учун янги истиқболли имкониятларни очади, бу эса, албатта, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлайди.”

Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши, шубҳасиз, ўзида ҳам прагматик, ҳам иммигра доир жиятларни муҳассамлайди. Бир томондан, ЖСТга қўшилиш мамлакатнинг глобал иқтисодиётга интеграциялашишга интилишини намойиш этиб, хорижий инвестициялар учун жозибадорлигини оширади ва янги бозорларга йўл очиб беради.

Бозор тамойилларига
содиқлик намойиши

Шундай қилиб, аъзолиқни Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик ва бозор тамойилларига содиқлигини намойиш этувчи муҳим рамзий ҳаракат сифатида қўриш мумкин, унинг самарадорлиги эса кўп жиятдан мамлакатнинг янги шароитларда муолашиш қобилиятига ҳамда ЖСТнинг келгуси ривожланишига боғлиқ бўлади. Бу жараён Ўзбекистон иқтисодиёти ва ташқи савдо фаолиятига кенг қўламли таъсир кўрсатади.

Биринчидан, ташқи савдога таъсирини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон маҳсулотларини учун жаҳон бозорларига кириш имкониятлари кенгайди. Аъзо давлатлар учун тариф ва нотариб тўсиқларнинг камийиши, божхона расмиятчиликларининг соддалашуви Ўзбекистон экспортчиларининг рақобатбардошлигини оширади.

Иккинчидан, савдо қоидаларининг шаффофлиги ва барқарорлигига эришилади. ЖСТ қоидалари

савдо муносабатларини тартибга солувчи шаффоф ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган муҳитни яратди.

Учинчидан, экспорт диверсификацияси таъминланади. Янги бозорларга кириш ва савдодаги тўсиқларнинг камийиши Ўзбекистонга экспорт номенклатурасини диверсификациялаш имконини беради. Бу хомашёга боғлиқлиқни камайтириб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспортини рағбатлантиради.

Тўртинчидан, инвестицияларни жалб этишга йўл кенгайди. Савдо қоидаларининг аниқлиги ва шаффофлиги хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонни янада жозиба қилади. Халқаро савдо тизими-га интеграциялашув мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини оширади.

Бешинчидан, ЖСТга аъзолик ички иқтисодиётга ижобий таъсир кўрсатади. Бу рақобатнинг кучайиши ва самарадорлиқни ошириш, демокдир. Маҳаллий ишлаб чиқа-

рувчилар хорижий компаниялар билан рақобат қилишга мажбур бўлади. Бу эса ички корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга ундайди. Бу истеъмолчилар учун ҳам фойдалар. Рақобатнинг кучайиши маҳсулот ва хизматлар таннархининг пасайишига, сифатнинг яхшиланишига ва ассорти-ментнинг кенгайишига олиб келади. Натижада истеъмолчилар учун кўпроқ танлов ва арзонроқ нархлар юзага келади.

Олтинчидан, технология ва инновациялар трансфери кучаяди. Оқик савдо муҳити хорижий технологиялар, билим ва инновацияларнинг мамлакатга кириб қелишини оsonлаштиради. Бу эса маҳаллий ишлаб чиқаришнинг модернизацияси ва технология ривожланишига хизмат қилади.

Қолаверса, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзолиги мамлакатнинг очик бозор иқтисодиётига ўтиш ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидаги стратегик муҳим қадамдир. Гарчи бу жараён айрим муаммолар ҳамда мослашиш жараёнларини келтириб чиқарса-да, узок муддатли истиқболда ташқи савдо ҳажмини кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш, маҳаллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, истеъмолчилар учун фойда келтириш ва умумий иқтисодий ривожланишнинг таъминлаш учун улкан имкониятларни очади.

Муваффақиятли интеграция учун ҳукуматдан комплекс ислохотларни давом эттириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ёрдам бериш механизмларини кучайтириш ва иқтисодиётни рақобатга тайёрлаш бўйича пухта стратегия талаб қилинади.

Машаққатли,
аммо истиқболли

Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсадга эришиш машаққатли йўл. Аввало, қонунчилик ва институционал ислохотлар талаб этилади. ЖСТ меъёрларига жавоб бериш учун Ўзбекистон ўз қонунчилигини ва тартибга солувчи органлари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқлаштириши керак бўлади.

Очигини айтиш керак, Президентимиз ташаббуси билан бу борада қатъий ислохотлар ўтказилляди. ЖСТ қоидалари айрим давлат корхоналарига бериладиган субсидияларни ва уларнинг бозорда имтиёзли мавқеини чеклаши мумкин. Бу эса давлат корхоналарини хусусийлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича ислохотларни тезлаштиради.

Яна бир гап. Айрим маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, айниқса, ривожланаётган соҳалар ва кичик корхоналарнинг фаолияти ЖСТга аъзолиқнинг дастлабки пайтларида жаҳон бозоридидаги кучли рақобатда қийинлашиши мумкин. Бу айрим тармоқларда ишлаб чиқаришнинг қисқаришига ва иш ўринларининг камийишига олиб қелиши эҳтимоли бор. Халқаро стандартлар ва техник талабларга мослашиш маҳаллий корхоналар учун қўшимча сармоа ва маълум бир даврни тақозо этади.

Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида санитар ва фитосанитар қораларга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади. Рақобатнинг кучайиши туйғайли айрим соҳаларда юзага қелиши мумкин бўлган ишсизлик, аҳолини қайта тайёрлаш ва ижтимоий ҳимоя тизимларини мустаҳкамлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Муваффақиятли
интеграцияни
таъминлаш йўлида

Ўзбекистон ҳукумати 2026 йилда Камерунда бўлиб ўтадиган ташкилотнинг 14-вазирлар конференциясига қадар ЖСТга кириш жараёнини яқунлашни режалаштирмоқда. Мутахассислар ЖСТ аъзолиги Ўзбекистон экспортини сезиларли даражада ошириш ҳамда инвестициявий жозибадорлигини юксалтириш имконини беришига ишонмоқда.

Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ШОИР ТАВАЛЛУДИГА
МУНОСИБ ТУҲФА

Ўзбек — озарбайжон халқлари дўстлиги, маданий алоқалари ҳақида ўйлаганимизда беихтиёр кўз ўнгимизда ўлг Низоомий Ганжавий ва Алишер Навоий ҳазратлари ўртасидидаги самимий муносабатлар жонланади.

Дарҳақиқат, “Адабий дўстлик — абадий дўстлик”, деган нақл бежиз айтилмаган. Зотан, адабиёт икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларда бугун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Авлодларро эзгу ришталар изчил давом этаётир. Ўзбекистон ва Озарбайжонда адабий кечалар, турли маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида таниқли озарбайжон ва ўзбек шоири Акиф Азалпнинг “Сайланма” шеърлар тўплами ўзбек тилида чоп этилгани икки халқ дўстлигининг яна бир нишонаси бўлди.

Тўпланда ижодкорнинг турли йилларда ўзбек тилида битилган шеърлари, шунингдек, “Ўзбекнома” дostonидан парчалар ўрин олган.

Ушбу назмий ғулдаста шоир таваллудининг 70 йиллигига муносиб туҳфадир.

БАДИЙ СЎЗ ҚУДРАТИ

Таниқли шоир Эшқобил Шукурнинг “Сайланма” китоби унинг кўп йиллик ижодий меҳнатлари ва машаққатлари самараси, десак, муболага эмас. Мазкур адабий хазинани арақайлай туриб, шууриимиздан сўзда сеҳр, шеърда хикмат бўлиши керак, деган фикр ўтди.

Шоир най ҳақиқиди шеърда “Эй, инсон-а, инсон-а, инсон, Кўнглингда шунчалар дардинг бормиди... Қуриган бир чўпни қўшдай сайратдинг”, деб ёзади. Мушоҳида қиласизки, инсон най воситасида қуй яратар экан, аввало, ўз дардини енгиллатмоқ истаиди, ҳазин наво орқали туйғуларини, қувонч ва қайғуларини илхор айлайди. Ўйлаб кўринг, инсон анди ўша ҳиссиётларини шеърга солса-чи?! Унинг юки, ҳарорати, мўъжизаси нечоғли бўлади? Эшқобил Шукур шеърларини ўқиган киши ана шу саволларга жавоб топгандек бўлади, бадий сўз залварини, кучини, қудратини ҳис қилади. Шоирнинг дил илхорлари, теран туйғулар тараннуми ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ОРЗУСИ»

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Салим Дониёровнинг мазкур тўпладан ўрин олган публицистик мақолаларида Ватанга муҳаббат, миллий урф-одатларга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғулари ажиб оҳангларда тасвирланади.

Муаллифнинг ижтимоий-сийсий йўналишдаги мақолаларида Янги Ўзбекистонни қуриш йўлида Президентимиз томонидан олиб борилаётган оламшумул ислохотларга камарбасталик акс этади.

Шунингдек, ҳозир биз учун оддий ҳолдек кўринаётган, давлатимиз раҳбарининг сийсий иродаси билан йўлга қўйилган, таъбир жоиз бўлса, қайта жон ато қилинган кенг қўламли тарихий ўзгаришлар қаламга олинган.

Тўплам Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилган бўлиб, унда “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган мақолалар жамланган. Моҳиятан ушбу материалларни икки қисмга бўлиш мумкин. Биринчи бўлимда муаллифнинг давлат ва жамоат арбоблари билан суҳбатлари жой олган бўлса, иккинчи бўлимдаги мақолаларда Янги Ўзбекистонга қўйилган тамал тошларидан бошлаб, Ватан ҳамда миллат истиқболи, шаъни ва обрўси йўлида амалга оширилаётган ишлар ўзига хос услубда теран таҳлилга тортилган.

«Халқ сўзи».

ЙЎЛЛАРНИ ЙЎЛЛАРГА, ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Бекободликларнинг қарийб 40 йиллик орзуси рўёбга чиқди

Бекобод туманида — Сирдарёнинг икки соҳилида яшаётган аҳоли орасида азалий бир орзу яшарди — йиллар, ҳатто авлодлар орзуси.

Бунёдкорлик

Бу орзу нафақат соҳилларни, йўлларни, балки дилларни, юракларни, орзуларни боғлайдиган кўприк орзуси эди. Ниҳоят, орадан қарийб қирк йил ўтиб, умид чироғи яна қайта ёнди — дарё узра янги кўприк қад ростлади, халқ орзуси рўёбга чиқди. Сирдарё белига яна бир белбоғ боғланди.

Кўприк очилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Президент Администрацияси масъул ходимлари, Тошкент вилояти фаоллари, туман жамоатчилиги, нурунийлар ҳамда ёшлар, қурувчи бунёдкорлар, соҳа мутасаддилари, журналистлар ва кенг жамоатчилик қатнашди.

Сўзга чиққанлар кўприкни фақат бетон ва темир устуни йўлтуказгич эмас, балки одамларнинг Янги Ўзбекистон ислохотларига, эртанги кунга умиди янглиғ “ишонч кўприги” сифатида таърифлади.

Аслида, бу иншоот тарихи ўтган асрнинг охириларига бориб тақалади. Гап шундаки, 1989 йилда илк марта рўхсат олиб, қурилиш бошланган, аммо 1991 йилда турли сабаблар билан тўхтаб қолган.

Вақт ўтди, авлодлар алмашди, орзулар

сўнмади. 2025 йилда Президентимизнинг тегишли қарори билан лойиҳа ижроси қайта бошланди. Ҳақиқий ишонч ва изчил ҳаракат натижасида узок йиллар худдики етишиб бўлмас саробга айланиб келган масала ҳал этилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 72 миллиард сўм, аммо унинг қиймати фақат пул билан ўлчанмайди. Чунки мазкур кўприк халқ ҳаётини ўзгарираётган, озолаб, минглаб инсонлар тақдирига ёруғлик олиб қираётган, умидни қайта тирилтираётган лойиҳадир.

200 метрли кўприк ва 6 километрли замонавий автомобиль йўли нафақат ҳаракат учун қулай, балки тараққиёт, ободлик ва фаровонлиқ йўлининг рамазига ҳам айланди.

Йўл бўйлаб тунги ёритиш чироқлари порлаб, янгича ҳаётга йўл кўрсатгандек нур сочади. Пиёдалар учун йўлақлар, ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус қулайликлар, янги тўрт тасмали йўл — буларнинг барчаси инсон қадрига бўлган ҳурмат ифодаси.



Аввал бу йўлдан бир кунда 2 мингта автомобиль ўтган бўлса, эндиликда 14 мингта машина бемалол ҳаракатланмоқда. Бу рақамлар ортида бутун бир тумanning нафаси, иқтисодиётнинг юриш суръати, одамларнинг ҳаётга ишончи муҳассам.

Энг муҳими, энди Дўстлик ва Янгиовул маҳаллаларидан туман марказига бўлган масофа 44 километрга қисқарди. Бу одамлар вақтини, меҳнатини, ҳаётини тежади. Бу оилалар тезроқ учрашди, фарзандлар мактабига қулай ва хавфсиз етиб боради, тадбиркору деҳқонлар маҳсулотни бозорга тезроқ қиради, дегандир.

Бекобод учун бу кўприк — янги ҳаёт, янги

ривож, янги нафас демокдир. Эндиликда у тумanning “юзи”, ифтихор тимсоли, элнинг ҳамжиҳатлиги ва меҳнати билан қурилган мўъжиза сифатида узок йиллар давомида хизмат қилади.

Сирдарёнинг икки соҳилини боғлаган бу кўприк, аслида, инсонларнинг қалбини боғлади. Бу — эл орзуси рўёбга айланган, Ватан тараққиётига тамал тоши қўйилган кун бўлди.

Кўприкнинг тантанали очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.

2026 йилдан чиқинди хизматлари учун тўловлар фақат онлайн амалга оширилади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1142. 10 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси қилишган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган кўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллафга қайтарилмайди.

Газетанинг сўлазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахрират компьютер марказда терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик ҳиядатни сифатли чоп этилишига “Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Қаримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — Р. Бобожонов.
Мушаҳҳис — С. Исломов.

“Шарқ” наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 06.45 Топширилди — 07.30 1 2 3 4 5 6